



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 20 январь ● сешанба ● № 3 (620) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

Кенг йўл ва имконият

Тадбиркорга ўғаноқ ва ўсиқ



бўлаётганларга адлия идоралари томонидан чора кўрилади

Ҳамкорлик самараси

жамиятга ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳамда қонунчиликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Меморандумлар ҳаёта исмига татбиқ этилмоқда



2008 йилда Меморандумлар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан жами 1125 мартаба;



Ички ишлар вазирлиги билан 1253 мартаба;



Олий суд билан 1326 мартаба;



Олий ҳўжалик суди билан 716 мартаба ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар асосан жойлардаги учрашулар, давра суҳбатлари, семинар ва конференциялар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар тарзида амалга оширилди. Хусусан, Адлия вазирлигининг наشري бўлган "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасида ўтган йили ушбу Меморандумларга бағишланган алоҳида саҳифалар ташкил этилди, кўплаб мақолалар эълон қилинди.



Омма орасида

кенг миқёсда ҳуқуқий тарғибот олиб боришда ОАВнинг ўрни беқиёс



Халқаро андазалар ва миллий қонунчилик

БУХОРО ВИЛОЯТИ Когон шаҳридаги 10-мактабда шаҳар давлат нотариал идора нотариуслари, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, шаҳар ФХД бўлими мудир ва инспекторлари, ўқувчилар ва бошқа фаоллар шаҳар ЁИХ кенгаши иштирокида "Инсон ҳуқуқлари: халқаро андазалар ва миллий қонунчилик" мавзусида тадбир ўтказилди.

Сўзга чиққанлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсоният тараққийнинг пойдевори эканлиги, унда инсон ҳуқуқларини ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиш барча ҳукуматлар ва халқларнинг муштарак бурчи эканлиги, декларациянинг аҳамияти мустақилликка эришаётган барча демократик давлатлар учун ўзларининг йўлларини белгилаш учун хизмат қилиши ҳақида сўз юритдилар.

Шунингдек, давлатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар тизими барпо этилганлиги, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази фаолият кўрсатаётганлиги тўғрисида маълумот бердилар.

Махфуза НОРОВА,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

МУРО-ЖААТЛАР «ИНСОН ВА ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА



Протест келтирилди

ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ прокуратураси томонидан тумандаги "Mirzamatov Jaloliddin" фермер ҳўжалиги раҳбари Ж.Мирзаматовнинг "Тошкент сув омборидан фойдаланиш бошқармаси" бошлиги Б.Дўсमतов фермер ҳўжалигига ажратилган ер майдонидан фойдаланишга тўқинлик қилаётганлигини билдириб ёзган аризаси ўрганиб чиқилди.

Аризани кўриб чиқиш давомида туман ҳокимининг 2007 йил 29 майдаги фуқаро Ж.Мирзаматовга янги фермер ҳўжалиги ташкил этиш учун ерларни ажратиш тўғрисидаги 311-сонли қарори қабул қилинишида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган "Ер участкаларини фермер ҳўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 2-бўлими, 12-14, 16-бандлари талаблари бузилганлиги, айнан "Тошкент сув омборидан фойдаланиш бошқармаси"га тегишли ер майдонини туман давлат захирасига қайтариш ҳақида ҳоким қарори чиқарилмаганлиги, ер ажратиш ҳақидаги аризага зарур ҳужжатлар илова қилинмаганлиги, ер майдони ажратиш юзасидан танлов эълон қилинмаганлиги, ер ажратиш ҳақида қабул қилинган қарор тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралмаганлиги аниқланди. Шу сабабли туман прокуратураси томонидан туман ҳокимининг ушбу қарорини бекор қилиш юзасидан протест келтирилди.

Х.ЖАЛОЛОВ,
Ўртачирчиқ тумани прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси

Тизим тадбирлари

Оила — муқаддас гўша

ТОШКЕНТ ШАҲАР Оила маросимлар маркази томонидан "Оила — муқаддас ватан" мавзусида ўтказилган ёш оила қурувчилар дорилфунунининг навбатдаги машғулоты ОИЛА ҚУРУВЧИЛАРНИ ҳар томонлама оилага тайёрлаш, унинг бурч ва мажбуриятларини тушунириш, шу билан бирга ҳаётда ва жамиятда ўрнини топишга кўмаклашиш масалаларига бағишланди.

"Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, Тошкент шаҳар тери-таносил касалликлари диспансери, 2-Республика тиббиёт коллежидан мутахассислар, психолог-олимлар, шифокор ва ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар, турли соҳа вакиллари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди.

Илмий-ҳаётий билим ва тажрибага эга бўлган мутахассислар ёшларга оила муқаддаслиги, унинг мустақамлигини таъминлаш масъулияти ҳақида тушуниришлар бериш билан бир қаторда, оила қонунчилиги борасида ҳам сўз юритдилар.

Аброр БЕРДИЕВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими

Ижро тўлиқ таъминланди

Қарздор С.Маъруповдан ундирувчи О.Тургунова фойдасига жами 1 миллион 735,0 минг сўм ундириш тўғрисидаги фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг 2006 йил 17 июлдаги ижро ҳужжати суд ижрочиларининг Ургут тумани бўлими иш юритувига 2007 йил 11 августда келиб тушган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида қарздордан 2008 йил 6 июнда 295,5 минг сўм, 19 ноябрда 235,0 минг сўм, 24 ноябрда 268,0 минг сўм, 1 декабрда 936,5 минг сўм, жами 1 миллион 735,0 минг сўм ундирилиб, ижро ҳужжати ижроси тўлиқ таъминланди.

У.АБДУЛИЕВ,
Суд департаменти
директор уринбосари

ЯХШИ БИЛАСИЗ, ҳуқуқий жиҳатдан саводхон

шахс фақат қонунларни билиб, ҳуқуқий билимлардан хабардор бўлибгина қолмай, уларга амал қилади, итоат этади. У ўз ҳуқуқларининг бошқалар томонидан бузилишига, қонунларнинг поймол қилинишига лоқайдлик билан қарамайди. Модомики, маънавият инсон учун, унинг ҳаёти фаровон бўлиши учун ҳизмат қилар экан, ҳуқуқий маънавият ҳам ҳаётий эҳтиёж демакдир. Юртбошимиз бир неча бор айтганларидек, қонун қабул қилиниши билан иш битмайди, барча муаммо ва масалалар ҳал бўлиб қолмайди. Бу қонунларни ҳаётга жорий қилиш, ҳар бир фуқаро онгига етказиш энг муҳим масала ҳисобланади.



Воҳид СААТОВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Бахтиёр АҚРОМОВ о.таш суратлар

Сарҳисоб

Омма орасида

Кенг миқёсда ҳуқуқий тарғибот олиб боришда ОАВнинг ўрин беқиёс



Давоми. Боши биринчи бетда) Бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақилликка эришишимиз асосида қўлга киритилган энг аҳамиятли ютуғимиз барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини ва қонуннинг ҳамма нарсадан устуворлигини таъминловчи ҳуқуқий давлат барпо этилганлигидир.

Корақалпоғистон телевидениеси ва радиосида "Адам ҳам Нызам" кўрсатуви ва эшиттиришлари ҳар ойда эфирга узатишмоқда. Корақалпоғистон Республикасидаги "Эркин Қарақалпоқстан" ва "Вести Карақалпақстана" газеталарида "Сиз оз ҳуқуқингизни биласизми?" ва "Нызамларди уйренемиз?" руқнлари идоралари ходимлари томонидан телевидение орқали 67, радио орқали 92 ва газеталарда 63 мартаба ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди. Ушбу тадбирларнинг барчаси кенг халқ оммасига янги қабул қилинаётган қонунларнинг этибори ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда Корақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқий тарғибот бўйича вазирликда иш режалари тузилиб, унга мувофиқ вазирликнинг барча ходимлари томонидан оммавий ахборот воситалари орқали аҳолининг ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини оширишда кенг қўламли ҳуқуқий тарғибот ва қабул қилинган янги қонунлар бўйича ҳар томонлама тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Корақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси сессияларида маълумланган янги қонунларни аҳолига етказиш жадвал асосида масъул ходимлар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Жумладан, Президентининг 2008 йил 1 майдаги "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан ОАВда қатор чиқишлар қилинди.

Бундан ташқари, 1996 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Корақалпоғистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан "Истиқлол ва қонун" — "Газетасизлик ҳам Нызам" газетаси чоп этиб келинмоқда. Ушбу газетада давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қонун ва ҳужжатларнинг тўлиқ матнлари чоп этилади. Шунингдек, ушбу газета саҳифаларида адлия идоралари ходимлари мунтазам равишда ўз мақолалари билан қатнашиб келмоқда.

Хулоса ўрнида яна бир бор таъкидлаб айтиш жоизки, қабул қилинган ҳар бир қонуннинг мазмун-моҳияти билан фуқароларни таништириш, кишиларда қонунга иттиқорликни шакллантириш, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг роли жуда муҳимдир.

Даулетбай ХАЛМҲАТОВ, Корақалпоғистон Республикаси Адлия вазири

"Шу азиз Ватан барчамизники!"

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ Зомин туманида туман ҳокимилиги хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан "Ўзбекистонда яшовчи турли миллат аёллари ва ёшлари жиноятчилик, терроризм ва гиёҳвандликка қарши" шiori остида "Шу азиз ватан барчамизники!" деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

МАЪЛУМКИ. Зомин тумани қўшни Тожикистон билан чегарадош, туманда турли миллат вакиллари истиқомат қилади.

Тадбирда ҳудудимизда яшаётган ўзбек, тожик, қирғиз, рус, татар, корейс, қозоқ халқларининг миллий урф-одатларидан иборат сахна кўринишлари намойиш этилди. Маҳаллий санъаткорларнинг қўшни давлатлар тилида ашула ва рақсларни ижро этишлари тадбирга янада кўтаринки руҳ бағишлади.

Махбуба РАЖАБОВА, Зомин тумани ФХД бўлими мудири

МАМЛАКАТИМИЗДА ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳуқуқий асослари изчиллик билан мустаҳкамланмоқда. Мустақил Ватанимиз равақли барча соҳаларда амалга оширилётган ислохотларнинг муваффақияти халқимизнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига ҳам боғлиқ эканлиги, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар зиммасига катта масъулият юклайди. Албатта, мазкур идораларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳолининг барча қатламлари ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишлари самардорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ишлар замирида ана шу эзгу мақсадларимиз муҳимдир.

Тарғибот

Ҳамкорлик самараси

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳамда қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Меморандумлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда

2006 йилда Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ўртасида имзоланган жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳамда қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Меморандумлар асосида мамлакат миқёсида қилинаётган кенг қамровли ишлар самараси барча ёшдаги фуқароларимизнинг ҳуқуқий тафаккури йилдан-йилга ўсаятганлигида намойиш бўлмоқда.

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг мазмун-моҳиятини, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Президентининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини, давлатимиз томонидан ратификация қилинган инсон ҳуқуқлари оид халқаро шартномалар талабларини, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик ва бошқа жиноятларнинг ижтимоий хавфини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бурчларини кенг оммага тушунтириш ҳуқуқий тарғибот бўйича ҳамкорликдаги фаолиятимизнинг туб мазмунини ташкил этади.

Утган йиллар мобайнида мазкур Меморандумлар "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳамда қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Меморандумлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда

кцион Республикаси Бош прокуратураси билан жами 1125 та, Ички ишлар вазирлиги билан 1253 та, Олий суд билан 1326 та, Олий ҳўжалик суди билан 716 та ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар асосан жойлардаги учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар ва конференциялар, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар оширилди. Хусусан, Адлия вазирлигининг наشري — "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасида ўтган йили ушбу Меморандумлар-

малакаларини мустаҳкамлашга оид масалалар ўрганилиб, ҳар томонлама таҳлил этилди. Тадбирлар режаси доирасида ҳар йили ҳуқуқшунослар ва кенг жамоатчилик вакиллари, журналистлар иштирокида "Энг яхши ҳуқуқий мақола" Республика "Қамолот" ЕИХ билан ҳамкорликда "Сиз қонунни биласизми?" каби кўрик-танловлар ўтказиш яхши аънамага айланганлиги қувонарлидир.

2008 йилда бир қатор қонунлар, Президентининг Фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тушунтириш юзасидан ҳуқуқий тарғибот ойлуклари, "Гиёҳвандлик — ҳаёт кушандаси", "ОИТС — аср вабоси" ойлуги ўтказилди.

Шунингдек, барча даражадаги раҳбар ходимларнинг ҳуқуқий билими ва кўникмаларини ошириш мақсадида ҳокимликлар ва бошқа давлат органларида, қорхона ва муассасалар, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоаларида мутахассисларни жалб этган ҳолда ҳар ойда бир марта ҳуқуқий билимлар машғулоти олиб борилади. Иккинчи сўйиш ислохотлари янада чуқурлаштиришга доир вазирлардан келиб чиқиб тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ишчанлик фаолиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишлари, чора-тадбирлар тадбиркорларга яқиндан кўмак бераётди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий тарғибот ишларининг жуда муҳим қисмига айланган мазкур Меморандумлар инсонпарвар жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга бўлган умимий иштироки билан бундай самарали ҳамкорлигимизнинг янада мустаҳкамланиб, ривожланиб бориши ҳар бир шахсда қонунларга ҳурмат туйғусини тўла шакллантириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва эркин демократик фуқаролик жамияти куришдек улғу мақсадларимизга хизмат қилади.

Абдуқамол РАҲМОНОВ, Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи

2008 йилда Меморандумлар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу ҳолат юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судига 454.700 сўм ортиқча ундирилган йиғини қайтариш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳар бирига 50.000 сўмдан жами 900.000 сўм маънавий зарарини ундириш тўғрисида даъво аризаси киритилди.

га бағишланган алоҳида саҳифалар ташкил этилди, кўплаб мақолалар эълон қилинди.

Меморандумлар ижросини таъминлаш бўлиб, ўзaro ҳамкор идоралар мутахассис ходимларидан тузилган тарғибот гуруҳлари томонидан белгиланган режаларга мувофиқ қорхоналар, ташкилотлар ва турли муассасалар, маҳаллаларда кўплаб ҳуқуқий мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари, жонли мулоқотлар ўтказиб келинмоқда. Бир қатор мавзуларда ташкил этилган амалий семинар ва конференцияларда ҳуқуқий тарғибот ишларининг янада самаралироқ бўлишини таъминлаш, бу борадаги мавзуд муаммолар ечимларини топиш, тарғиботчиларнинг билими ва



Кенг йўл ва имконият

Тадбиркорга йўғаноқ ва йўсиқ

Бўлаётганларга адлия идоралари томонидан чора кўрилади

ТАДБИРКОРЛИКНИ ривожлантириш ҳамма вақт жамият равақи, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда барқарор иқтисодийни яратиш учун хизмат қилган. Мазкур таямий асосида мамлакатимизда эркин тадбиркорлик фаолиятини қарор топтириш борасидаги ислохотлар боқичма-боқич амалга оширилмоқда.


АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рўйхатдан ўтказувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг бажарилиши юзасидан зарурий чоралар кўрилди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, республика адлия органларида 2008 йил давомида тадбиркорлик субъектларидан жами 1623 та шикоят келиб тушган. Улардан 1378 таси кўриб чиқилиб, қонуний хал этилди, 189 таси эса тегишлигига кўра бошқа идораларга юборилди.

Адлия органлари томонидан бевосита тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ тегишли идораларга 1794 та тақдимнома, 899 та огоҳнома ва 214 та кўрсатмалар киритилди. Ушбу таътир чоралари натижасида 2575 та мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 171 нафар эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Кўрилган чоралар натижасида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаб қўйган давлат бошқарув идораларининг 660 та ноқонуний қарорлари бекор қилинди ва ижроси тўхтатилди.

Юқоридаги рақамларнинг ўзи айрим мутасаддилар томонидан қонунлар онгли равишда бузилаётганлигини кўрсатмоқда.

Масалан, Навоий вилояти адлия бошқармасига Томди туманида фаолият кўрсатаётган "Баҳаши" фермер ҳўжалиги



Мамлакатимиз миқёсида бу борадаги хатотликларга йўл қўйган 260 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, 10 нафар мансабдор шахсга нисбатан эса жиноят иши кўзғатилди.

Шунингдек, ҳисобат даврида адлия органларининг ташаббуси билан салкам 7 миллиард сўмлик даъво аризалари қаноатлантирилди.

Шунингдек, адлия идораларидаги мавжуд "Ишонч телефон"ларига жами 1205 та мурожаат келиб тушди. Ана шу мурожаатларнинг салкам 40 фоизи бўйича эса ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари тўлиқ тикланди.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги муассислигида чоп этилган "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасида "Адлия ёрдам берди", "Адлия аралашгач..." руқнлари остида мақолалар бериш йўлга қўйилдики, унда адлия органлари томонидан тадбиркорлар олдида турган тўсиқларни бартараф этиш чоралари кўрилаётгани ёритилмоқда.

Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорлик фаолиятини юритиш истагида бўлган фуқаролар ҳамда рўйхатдан ўтказувчи идоралар ходимларига мўлжалланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишга оид қонун ҳужжатлари" тўплами, "Фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш ҳамда рўхсатномалар беришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами" ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда "Текширишлар А дан Я гача" номли рисола чоп этилди.

Шунингдек, мамлакатимиздаги айрим назорат қилувчи органларнинг ноқонуний текшириш ўтказишларининг олдини олиш мақсадида вазирлик Ахборот хизмати томонидан видеоролик тайёрланиб, марказий ва маҳаллий телевидениелар орқали эфирга узатилиши йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси юртимизда тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига яратилаётган қўлайликлардан бири, дейишга ҳақимиз.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да ҳам тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш адлия идораларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга бўлган вазифаларимиздандир.

Тўрабек ТўРАЕВ, Адлия вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Суд қарорлари ижросини такомиллаштириш фуқаролар манфаатини ҳимоя қилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида "Суд қарорлари ижросини такомиллаштиришнинг фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги тугган ўрни" мавзусида семинар ўтказилди.



Тадбирда Олий Мажлис, ОАВ вакиллари, Юристар малакасини ошириш маркази профессор-ўқитувчилари ва тингловчилар иштирок этишди.

Маърузачилар суд ҳокимияти мустаҳкамлаш ва суд ҳимоясининг самардорлигини ошириш мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг асосий вазифалари бўлиб, суд қарорларини ижро этишининг самарали тизимини яратиш, судларни ҳар томонлама моддий-техника жиҳатидан таъминлаш ва молиялаштириш, мазкур вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўмуралининг ҳам эътибори олинди.

Уқув натижалари бўйича сўровлар ўтқарорларини ижро этишда адолатли, одилона қарорлар чиқариш муҳим ва шартлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, суд департаменти ходимларига қонунчиликка киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини етказиб бериш лозимлигига эътибор қаратишди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказида мазкур ходимларнинг малакасини ошириш ва судьяликка номзодларни қайта тайёрлаш ишларида, хусусан ўқув дастурларини тузишда тингловчиларнинг фикр ва мулоҳазалари ҳам эътиборга олинди.



техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти алоҳида ўрин эгаллашни таъкидлади.

Мулоқот руҳида ўтган ушбу тадбир сўғида Юристар малакасини ошириш марказида таҳсил олаётган тингловчиларнинг қайд этилган масалалар юзасидан фикр ва мулоҳазалари тингланди.

Гуличеҳра АБДУЛЛАЕВА, "Инсон ва қонун" муҳбири

Бахтиёр АҚРОМОВ олган суратлар

Бахт кўрғони

НИКОЛАЙ ТИТОВ ва Людмила Ильинична бундан 50 йил муқаддам ёруғ умидлар билан Яқсаар тўғрисида ФХД бўлимида никоҳдан ўтиб, оила куришини қувонч билан эслашади. Улар биргаликда ибратли ва бахтли ҳаёт кечириб, айна пайтда фарзандлар ва неваралар ардоғида роҳат-фароғатда умргузаронлик қилишапти. Оила кўрғонининг мустаҳкамлиги кишининг чинакам ҳаёт мазмунини саналади, дейишади улар.

Яқинда МАЗКУР ФХД бўлимида ўтказилган хайрли тадбирда ибратли оиланинг шу кутлуғ санаси "Олтин тўй" билан қутлашди. Тадбирда уларнинг оилани муқаддас билиб меҳр-оқибат, садоқат ва тотувликда қараётган гўзал ҳаёти ёшларга ибрат бўлиши таъкидланди. ФХД бўлими томонидан бахтиёр оила соҳибларига совғалар тақдим қилинди.

Мадина ХАМДАМОВА, "Инсон ва қонун" муҳбири

Қонун моҳияти

Фуқаролик жамиятини шакллантириш

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ташкилотлари фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, одамлар тафаккурда демократик кадрларнинг мустақамлашнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2005 йил 23 июндаги "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларини янада жадаллаштирди.

ЎТГАН ДАВР мобайнида фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, жамоат бирлашмалари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Сийб-сий партиялари тўғрисида"ги, "Сийсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги, "Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатла-



Талқин

Ерга бўлган мулкчилик муносабатлари такомиллашувининг асослари

ҲАР БИР ДАВЛАТДА ер масаласи ва унга боғлиқ бўлган муносабатлар барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий воқеаларнинг марказида турувчи масаладир. Республикада ер ва ерга бўлган мулк муносабатлар бир қанча қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Уларнинг дастлабкиси "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонунда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг моддий асоси унинг мулкдир. Республика ҳудудларида ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулк ҳисобланади.

УШБУ ҚОИДАЛАР Конституцияда ҳам ўз ифодасини топган. Асосий қонунимизда мулкдорнинг мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилди. Масалан, Конституциянинг 54-моддасида "Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасаруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт". Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида конституциявий нормалар асосида маълум даражада ерга бўлган муносабатларни тартибга солиш қонунлар тизимини ишлаб чиқилди ва уларни такомиллаштириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Жумладан, Президентимизнинг 1994 йил 21 январдаги "Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишни таъмин этиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоралари тўғрисида"ги ҳамда 1994 йил 24 ноябрдаги "Ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Фармонга асосан Вазиirlар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги "Ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва унга илова тарзидаги "Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгаллик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби

Йўлидаги муҳим қадам

"Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Ҳомийлик тўғрисида"ги қонунчилик ҳужжатлари, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, мустақам қонунчилик тизими яратилди.

Ҳозирги вақтда республикадаги беш миңдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари жамият ҳаётининг иқтисодий, маданий, гуманитар, ижтимоий соҳаларида аҳолининг кенг қатламлари манфаатлари йўлида фаолият юритмоқда. Айна шу ташкилотларнинг саръ-ҳаракатлари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва электрон оммавий ахборот воситалари мил-

лий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа ўнлаб институтлари тузилиб, улар жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фақат эркин ва мустақил, етарли молиявий ресурсларга эга бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажара олиши мумкин. Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Сенати Кенгашининг 2008 йил 3 июлдаги қўшма қарори 1-бандига асосан, Олий Мажлис ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилот-

ларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди. Бунга мувофиқ тарзда "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида маъқулланди.

Қонуннинг 12, 13 ва 14-моддаларига киритилган ўзгаришларда "Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси" деган сўзлар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томо-

нидан амалга оширилади. Мазкур Қонуннинг маъқулланиши мустақил нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирокига кўмаклашиш, бу ташкилотларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун мустақил тизим ва объектив шароитлар яратишда асос бўлиб, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти эти" дастури ҳаётта татбиқ этилаётганининг эркин намунасиридир.

Жавлон АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Нотариат фаолияти

Инсонлар манфаати борасида

1996 йил 26 ДЕКАБРДА Ўзбекистон Республикаси "Нотариат тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши нотариатлар фаолиятида туб бурилиш ясади.

БУ БОРАДА Андижон вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўлда, тажрибали нотариуслар хизмати алоҳида ўрин тутаяди. Андижон вилояти адлия бошқармаси 2-сон давлат нотариал идораси давлат нотариуси Сабоҳон Умарова ҳам ушбу соҳада суяги қотганлардан. Унинг қўллаб-қўғирдлари шу қўнларда ҳуқуқ идораларида сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

— Кўп йиллардан буён нотариат соҳасида ишлаб келаяман, — дейди С.Умарова. — Четдан қараганда, унчалик мураккаб кўринмасда, нотариусликнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор. Шунинг учун фаолиятимиз жараёнида доимо ўқиб изланиш тақозо этилади. Вазифамизни амалга ошириш пайтида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга уларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтиришга ҳам ҳаракат қиламиз. Мустақиллик йиллари одамларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини тула англаб олиш учун кенг имкониятлар яратилди. Халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошди.

Соҳада олиб борилган ислохотлар самараси ўлароқ, вазифаларни тўлақонли адо этиш имконияти пайдо бўлди. Соҳанинг ҳуқуқий базаси мустақамланди.

Сабоҳон опа Умарова ўз соҳасининг билимдони. У нотариуслик билан бир қаторда турли тадбирлар, конференцияларда ҳам иштирок этади. Шу ўринда вилоят адлия бошқармаси ва вилоят суд ижрочилари департаменти билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган семинарда фаол иштирок этиб, бу ҳақда вилоят прокуратурасининг нашри — "Ҳуқуқ сабоқлари" газетасида ўз фикр-мулоҳазалари билан чиқиш қилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бағишланган рефератлар танлови учун тайёрланган "Конституция — мамлакат таянчи" мавзусидаги реферат ҳам янги фикрлар, ҳулоса-ларга бойлиги билан ажралиб туради.

— Нотариал ҳаракатлар, — дейди Сабоҳон Умарова, — ижтимоий, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш нуқтаи назарида давлат ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Мухтасар қилиб айтганда, жамиятимизда қонун устуворлигининг таъминланиши давлатимиз ривожини, фаровон турмушимизнинг асосий омилдир. Сабоҳон Умарова каби қонунчиликка риоя этиш йўлида билим, тажрибани ошириб бориб, аҳолига намунали хизмат кўрсатсак, бу бизнинг айна шу фаровонликка қўшаётган ҳиссамиси бўлади.

Шухратбек МУСАЕВ, "Инсон ва қонун" муҳбири



Мулоҳаза

Тиббий йўсиндаги мажбурият чораси қай тартибда қўлланади?

2008 йил 12 ДЕКАБРДА Олий суд Пленуми мажлисида "Рухий касалликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги Олий суд Пленуми қарори муҳокама этилиди, ва қабул қилиниди. Ушбу қарор руҳий касалликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш масаласини ҳал этишда алоҳида ўринга эга қўлланма бўлиб, одил судловни амалга оширишга ва суд амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади.

МАЗКУР ҚАРОРДА руҳий касал шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш асослари ва мақсадлари, мажбурият чораларининг турлари мазмунан атрафлича ёритиб берилган, шунингдек, амалиётда учраётган айрим ҳолатларга тушунтиришлар бериб ўтилган.

Мазлумки, тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари алоҳида-алоҳида қўлланилиши мумкин. Жиноят қонунчилигида мувофиқ тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари руҳий касалликка чалинган шахсларга қўлланилишидан ташқари, Жиноят кодекси 98-моддасига асосан, алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка чалинган шахсларга қўллаш масалаларида оид тушунтиришлар берилса, фойдадан холи бўлмасди.

Бизнингча қарорда шахс ҳазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалинганда ва унга тиббий йўсиндаги мажбурият чораси қўлланилган бўлса, шахсининг руҳий касалликка даволанган мuddати ҳазони ўташ мuddатидаги кириши ёки ҳисобнамаслиги масаласи, тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари мuddатини узайтириш тартиби кўрсатилиши лозим деб ўйлаймиз.

Ушбу Пленум қарорининг 3-банди: "Ақли расо ҳолатда жиноят содир этган, бироқ кейинчалик ўз ҳаракатларини англай олмаган ёки уларни бошқара олиш имкониятини маҳрум қиладиган руҳий касалликка чалинган шахс жазодан ёки уни ўташдан озод этилади", деб, кўрсатилган. Ушбу бандда жиноят содир этган, бироқ кейинчалик ру-

ҳий касалликка чалинган шахс деганда, шахсининг қайси ҳолатда руҳий касалликка чалинганлиги тушунарли кўрсатилган. Жиноят кодексининг 92-моддасига мувофиқ, ақли расолик ҳолатида жиноят содир этган, лекин ҳужм чиқарилгунга қадар ёхуд жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалинганлиги оқибаида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари қўлланилиши мумкин.

Фикримизча, мазкур банд қўйидаги тахрирда баён этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Ақли расо ҳолатда жиноят содир этган, бироқ ҳужм чиқарилгунга қадар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва бошқара олмайдиган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чораси қўлланилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Бундан ташқари, Пленум қарорининг 7-банди, 1-қисмида: Жиноят содир этгандан сўнг, бироқ ҳужм чиқарилгунга қадар руҳий касалликка чалинган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари мuddатини узайтириш тартиби кўрсатилиши лозим деб ўйлаймиз.

Юртим шахарлари

Тараққиётимиз тимсоллари

КАТТАҚЎРҒОН ШАҲРИ нафақат Турон заминиди, балки Марказий Осиёда энг қадимги гўшалардан бири. Бу маскан азал-азалдан миллий урф-одатларимизни авайлаб-асраб келмоқда. Аллоҳ назари тушган бу шахарда қўли гул хунармандлар, халқ амалий санъатининг пиру қомиллари истиқомат қилади. Каттақўрғон икки буюқ шахар — Самарқанд ҳамда Бухорони боғлаб турадиган белбоғ. Энг муҳими, бу шахардан забардат шоирлар, алломалар, адиблар, мухтасар қилиб айтганда, ўз замонасининг фозил кишилари етишиб чиққанки, улар номи ила бу шахар янада номдор бўлган.

ШАҲАРДА Абдулхамид Маждий номидида Давлат театри, ўнлаб кутубхона, маданият муассасалари, педагогика, тиббиёт, иқтисодиёт коллежлари мавжуд. Каттақўрғон ёғ-мой комбинати, бир қатор қўшма корхоналар фаолият кўрсатапти. Бугунги кунда шахарда бунёдкорлик ишлари жадал ривож топмоқда. Жумладан, "Жасурбек" қурилиш фирмаси шахардаги янги "Марказ"

дахасида қиймати 1 миллиард 200 миллион сўмлик тўрт қаватли 32 нафар ёш оилага мўлжалланган бино қурилиши бошлаб, Навруз байрамида фойдаланишга топширилди. Шунингдек, айнан шу даҳада, "Бектоний Жаҳон" хусусий корхонаси эса қурилиш қиймати 680 миллион сўм бўлган ўч қаватли 36 ёш оилага мўлжалланган турар-жой биносини 2008 йилнинг охирида фойдаланишга топширди. Бундан ташқари,

шаҳар ҳокимлиги тасарруфидидаги Уй-жой қурилиш бўлими яққа тартибда шартнома асосида йиғирма нафар ёш оилага икки қаватли замонавий котеж қурмоқда. Ҳомийлар ҳисобидан ўтган йилда шахар кўчаларига 50 миллион сўмлик ҳажмда асфальт ётқизилди. Энг қувончлиси, "Ингичка" кўрғони аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш яхшиланди.

Бугун шахар аҳолисининг 15 миң нафардан ортиги халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилмоқда. Айни чоғда бу ерда 600 дан зиёд йирик кичик ҳамда қўшма корхоналар фаолият кўрсатамоқда. Шаҳарда қўшма корхоналар сони тўрттага етди. "Россия-Ингичка-Металл" қўшма корхонаси 902 миң АҚШ доллари миқдориди инвестиция киритиб, "Ингичка" кўрғончасида фаолият кўрсатаёт-

ган шохобчалари технологиясига бир қатор ўзгаришлар киритди. Ушбу қўшма корхона жорий йилда 1,5 миллиард сўмлик "вольфарм концентрати" ишлаб чиқаришни режалаштирган. Россия билан ҳамкорликда фаолият юритаётган "Света-Востока" қўшма корхонаси ҳам ўтган йилда тула қувват билан ишлади. Янги йилдан ушбу корхона ёғ-мой чиқиндисидан бири ҳисобланган гудронни қайта ишлаб, саноат корхоналари учун керакли хомашё етказиб беради. "Фантекс" Россия-Германия-Ўзбекистон қўшма корхонаси бу йил ип-йиғирув цехини ишга тушириб, икки юз кишини иш билан таъминлайди. Шунингдек, шахарда тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти.

Яна бир гап. Қўшма ва ҳаммаши навқирон Каттақўрғон шахрида маҳаллалар ишга эътибор жуда катта. Мавжуд 35 та маҳалланинг қарийб барчасида аҳолига хизмат кўрсатадиган сартарошхона, пойфазал устонаси, компьютер хизмати шохобчалари ташкил этилган. Энг муҳими, кишилар турмуш тарзи тобора яхшиланиб бормоқда. Азим ҚОДИРОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири



Ёруғ хиёбон

Ўйга чўмиб ётар кўхна қалъалар

Шоир



Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон Халқ шоири

Мўйноқ йўлда "Ажнийёни зибрат қилмайлик", дедим. Йўлдошлар "Йўл оғир, шоирнинг ёнига бориб бўлмайди", деб қатъий жавоб беринди.

Эллик биринчи қалъа

Неъматилла ОҒАГА

Сирга тўлиб ётар чексиз далалар, Ўйга чўмиб ётар кўхна қалъалар.

Дарё хотираси — ултонларда сир, Ҳирқа кийган дарвиш султонларда сир.

Аёзқалъа, Тупроққалъалар бугун Асрор чилвирида чигал бир тугун.

Тўқилган, нураган мазгиллар қатор Олам жумбоғини ачолмай ётар.

Бу нечук салтанат, бу нечук маъво? Бобом нафасини келтирар ҳаво.

Сирли қалъаларда сир босиб юрдим, Қалъалар ичинда бир қалъа кўрдим.

Ертепа бўлса-да, бошқа қалъалар, Бу қалъани мангу баҳор алалар.

Гарчи қалъаларим бари сир тўла, Бунисининг бағри кумуш нур тўла.

Абадий кўрган у! Абад қалъа у! Кўзларида юлдуз ёнган бола у!


Оғажсон, бағринга босиб болангини, Аера келажатинг — Кўнгли қалъангини!

ЕШЛАРИМИЗ чуқур билим олишлари учун ҳозирги кунда давлатимиз томонидан барча шароитлар муҳайё этилган. Жумладан, "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши бу соҳада туб ислоҳотларни амалга оширишга ҳуқуқий асос яратиб берди. Уч босқичдан иборат Миллий дастур талабаларига кўра, таълимнинг моддий техника базаси билан биргаликда замонавий таълим мазмуни, яъни мутахассисликлар таснифлагичи, стандартлар, ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар, ўқув усуллари ва воситалари яратилди. Ушбу замонавий таълим мазмунидан келиб чиқиб ҳар бир ўқитувчи ўз дарсларини ташкиллаштиради.

Таклиф

Конституция ва математика

ШУ ЎРИНДА бир гапни таъкидламоқчиман. Назаримда ўқитувчилар "Математика" билан "Конституция сабоқлари" фанларини алоқдорликда олиб борса, ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқиши янада ортган бўларди. Болаларга уларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш, Конституция ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш мақсадида математика дарсларида ечиладиган мисол ва масалалар шартини ҳуқуқ (Конституция) билан боғлиқ ҳолга келтириб, математика дарсини гуманитарлаштиришни амалга оширсак бўлади. Масалан:



1-масала. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг учинчи "Жамият ва шахс"

бўлимидаги боблар (4та) бешинчи "Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши" бўлими-

даги боблар (9 та) дан нечтага кам? Бу икки бўлимдаги ҳамма боблар сони нечтага тенг?
Ечиш: 9-4=5, 9+4=13
Жавоб: 5 ва 13
2-масала. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг V, VI, XII, XXV бобларида 3 тадан модда бор. Ушбу 4 та бобдаги моддалар сони нечтага тенг?
Ечиш: 4x3=12
Жавоб: 12 та
3-масала. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи (4 та модда) ва иккинчи (7 та модда) бўлимларидаги моддалар сони тўрттинчи (2 та модда) бўлимдаги моддалар сонидан нечтага ортми?
Ечиш: 4+7=11, 11-2=9.
Жавоб: 9 та ортми.
4-масала. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг барча I, II, III, IV, V бўлимларида мос равишда 4,7,4,2,9 та боб мавжуд бўлса, Конституцияда ҳаммаси бўлиб нечта боб мавжуд?
Ечиш: 4+7+4+2+9=26.
Жавоб: 26 та бобдан иборат.
Агар бошқа фанларни ўқитишда ҳам устозлар ўз фанларини "Конституция сабоқлари" билан мувофиқлаштиришса, фойдадан холи бўлмасди.

Маъмуржон АБДУЛЛАЕВ, Тошкент 2-юрдик коллежи математика ўқитувчиси

Йўл оғир. Жонлиқни бодроқ қилар ёз, Тиниб бир нафас олиб бўлмайди. Юз йилки, йўлмига зор Ажнийёз, Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Шеърни ҳар кўйга, кўйга солиш мумкин, Шоирда андаза, қолип бўлмайди. Шоир кўшиқларин ёд олиш мумкин, Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Ер ютган минора — сувсиз қудуқлар Садосин билмаган ориф бўлмайди. Чинқириб улади безовта руҳлар, Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Туп кўпрган қабр чекмоқда фарёд, Уриб, бошларини ёриб бўлмайди. Узоқлашиб борар тобора Ҳирот, Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Терисин шилшар, дорга осишар, Бу жангда мағлуб йўқ, ғолиб бўлмайди. Оғочга суяниб қотиллар йиғлар, Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Шоирлик — инсоннинг болалик пайти, Бу даврда абадий қолиб бўлмайди. Болаликдан кетдик ҳаммамиз дайдиб, Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Мен ҳам кетгандирман, балки ўзимдан, Ҳатто ўзингдан ҳам нолиб бўлмайди. Дўстларим, эргашманг фақат изимдан, Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Жоним

Рақибларим бир пода, Ганимларим кўп, жоним. Заҳрим сочсам мабодо, Хафа бўлма, хўп, жоним.

Кўздай яқин дўстларим, Ўйишга шай кўзларим. Нордон бўлса сўзларим, Хафа бўлма, хўп, жоним.

Кўнгли синиқ эдимми, Кўкси тиниқ эдимми, Ўз бошимни едимми, Хафа бўлма, хўп, жоним.

Ёш бошимга минг савдо, Дўшманим тўп-тўп, жоним. Жаҳл қилсам мабодо, Хафа бўлма, хўп, жоним.

Юрак бағрим қон бугун, Топганим ёлғон бугун. Томоғимда жон бугун... Хафа бўлма, хўп, жоним.

Тўрт тарафга чопаман, Фақат озор топаман. Мен қилмардан хафаман, Хафа бўлма, хўп, жоним.

Гўзалсан малакдайин, Сенга не тилак дейин, Севмагин мендан кейин, Хафа бўлма, хўп, жоним.

Юзларимдан ўп, жоним, Кўзларимдан ўп, жоним, Рақитсам ҳам қулиб тур, Хафа бўлма, хўп, жоним.



Қорни соғиндик...

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 18 апрелдаги 104-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Энг яхши битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси" республика танлови тўғрисидаги Низом ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент Давлат юрidik институти танлов ўтказиладиган таниқ олий таълим муассасаси сифатида "Энг яхши битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси"

РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда "Юриспруденция" йўналиши ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича 2008-2009 ўқув йилида химоя қилинадиган битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари билан иштирок этиши мумкин. Танлов "Амалиётга энг самарали татбиқ этилган битирув малакавий иши (магистрлик диссертацияси)" ва "Бунёдкория ижодкорлиги" номинациялари бўйича ўтказилади.

Танлов 2 босқичдан иборат бўлиб, I босқич март ойида талаба тахсил олаётган олий ўқув юртида бўлиб ўтади. II босқич Тошкент Давлат юрidik институтида март-апрель ойларида ўтказилади.

II босқичда иштирок этиш учун талабалар ва магистрантлар жорий йилнинг I мартдан 15 апрелга қадар ўзлари тахсил олаётган олий ўқув юрти ректорининг расмий хати, тегишли кафедранинг иши бўйича тавсиянома ва танловда иштирок этиш учун буюртмани Тошкент Давлат юрidik институти Танлов ташкилий қўмитасига топширишлари лозим.

Танлов ўтказилиши белгиланган ўқув йилидан олдин бажарилган ишлар танловда иштирок этиш учун қабул қилинмайди ва жўнатилган ишларга тақриз берилмайди. Танловнинг I ва II босқичларида ғолиб деб топилган талаба ва магистрлар пул мукофотлари, ташкилотчилар, хомийларнинг қимматбахо совғалари билан тақдирланадилар. Танлов билан боғлиқ қўшимча маълумотларни тегишли олий ўқув юртида ва Тошкент Давлат юрidik институтининг сайтыдан олиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 233-40-38, 233-66-36.

ОЛИЙ ЎҚУВ юртиларида ўқиш, устозлардан билим олиш кўпчилик ёшларнинг орузи. Аммо муқаддас даргоҳда айрим устозларнинг талабаларга таълим-тарбия бериши, уларга ҳаёт сирларини ўргатиш ўрнига сўнги чақаларини ҳам фарибгарлик, турли хил баҳоналар билан шилиб олишга уринишлари кечириб бўлмас ҳолдир.

1972 йилда туғилган Марк Курбонов Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университетда кафедра ўқитувчиси вазифасида ишлаш билан бирга Хива агроменежмент сиртки бўлимининг декан муовини лавозимини ҳам бажариб келарди.

Иш фаолияти давомида нафси ҳақалак отиб, талабалардан фарибгарлик, яъни алдаш йўли билан кўп миқдорда пора олиш жиноятларини содир этди.

2008 йил май ойида I-босқич агрономия йўналиши бўйича гуруҳ сардори Н.Бобониезов орқали 37 нафар талабанинг ҳар биридан 30 миң сўмдан, талаба М.Шерматовдан эса 15 миң сўмини таъмирлаш учун деб йиғиб олиб, жами 1 миллион 95 миң сўмини алдов йўли билан қўлга киритган.

Бунга ҳам қаноат қилмаган "ташкilotчи" домла 2-босқич агрономия йўналиши бўйича 201-гуруҳда ўқиётган 17 нафар талабадан 510 миң сўм, 202-гуруҳда ўқиётган 16 нафар талабадан 480 миң сўмини

Қилмиш — қидирмиш

Мансабдорнинг акрлари

қимматга тушди

қурутдек санаб олди.

Соддагина талабалар ҳисобига бойишни ният қилган

Эндиликда у биргина факультет талабаларига қаноат қилмай бошқа факультетларга ҳам "кўз



домланинг нафс ўпкони тобора очилиб, уни тўлдириш қийин бўлиб қолди. Узининг хатти-ҳаракатларидан ҳеч ким норози бўлмаганини кўргач, у учинчи ва тўртинчи босқич талабаларига ҳам "ремонт учун" пул зарурлигини айтиб, ўз "фаолиятини" давом эттирди.

олайтира" бошлади. Қисқаси, у 216 нафар талабанинг 6 миллион 465 миң сўм пулини йиғиб олгач, таъмир учун қурилиш ашёлари олиш ўрнига, Урганч шаҳар марказий бозорига бориб номаълум шахслардан бу пуллари АҚШ долларига алмаштириб, чўнтакка урди.

"Ремонт мавсуми" туғагач, домланинг кўнгли яна текин пуллари тусай бошлади. Ўйлай-ўйлай бу пуллари яна талабалардан ундиришга қарор қилиб, амалиётга ўташ учун бормаган талабаларни ёнига чақирди. Уларни ўқишдан хайдаш билан қўрқитиб, ҳар биридан 80 миң сўмини пора тарикасида олди.

Урганган кўнгли ўртанса қўймас экан. Янги ўқув йили бошлангач, М.Курбонов яна "унумли" фойдаланиб қолишга интилди.

Баднафслиги, таъмағирлиги сабаб талабаларнинг сўнги чақисига шилиб олаётган домланинг қинғир ишлари охири оқибат фож қилинди.

У 2008 йил 11 сентябрь куни факультет талабаси О.Ботиров орқали фуқаро Ш.Жуманиезовдан 250 миң сўм пулни пора тарикасида олаётган пайтда ушланди.

Ойбек ҚУРЁЗОВ, Хоразм вилояти прокуратураси катта терговчиси

ЭЪЛОН! Фаргона вилояти адлия бошқармаси Марғилон шаҳар давлат нотариал идораси нотариуслик лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ! Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин. Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: 1. Комиссия номига ариза; 2. Паспорт нусخаси; 3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа; 4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси; 5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси; 6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тасвифнома. Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим. Фаргона вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8-373) 224-46-33

Тошкент вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2009 йил 10 январдаги йиғилиш қарорига кўра Ангрэн шаҳар 1-сонли давлат нотариал идора нотариуси Қ.Хўжақуловнинг вилоят адлия бошқармаси томонидан 1997 йил берилган ТS 000005 сонли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясини амал қилиши тугатилди. Тошкент вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2009 йил 10 январдаги йиғилиш қарорига кўра Охангарон тумани давлат нотариал идора нотариуси А.Хамроевнинг Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 1998 йилда берилган ТS 000062 сонли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясини амал қилиши тугатилди. Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 2008 йил 25 январда бошқарма ишлар бошқарувчиси Абдурахмонов Абдуғофир Абдукаримович номига берилган 023-рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинган.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2009 йил 10 январдаги йиғилиш қарорига кўра Зангиота тумани давлат нотариал идора катта нотариуси И.Аскаронининг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясини амал қилиши тугатилди. Фаргона вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2009 йил 7 январдаги йиғилиш қарорига асосан Фаргона туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Р.Султаймонова 1997 йил 8 июлда берилган FE 000026 рақамли лицензиянинг амал қилиши 1 (бир) ой муддатга тўхтатилди. Фаргона вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 19 декабрдаги йиғилиш қарорига асосан Фаргона шаҳар 5-сон давлат нотариал идораси нотариуси Мурод Азимова нисбатан 2008 йил 14 ноябрда қўзғатилган жиноят иши судда қўрилиб, қонуний ҳал бўлунига қадар унга 2008 йил 22 январда берилган FE 000135 рақамли лицензиянинг амал қилиши тўхтатилди. Наманган вилояти адлия бошқармаси ҳуқуқидоғи нотариат бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 20 декабрдаги йиғилиш қарорига асосан Тўрақўрган тумани давлат нотариал идораси нотариуси Қасимов Нуриддин Валлонович Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан 1997 йил 3 ноябрда берилган NA 000008-сонли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясини амал қилиш муддати 6 (олти) ойга тўхтатилди. Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 14 декабрдаги йиғилиш қарорига асосан Чирочқчи тумани давлат нотариал идораси катта нотариуси Раҳмат Туроповга онаси Пардахол ая ХУДОЙБЕРДИЕВанинг вафот этганили муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади. Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 14 декабрдаги йиғилиш қарорига асосан Деҳқонobod тумани ФХДЕ бўлими мудири Ойсаро Норсафаровага турмуш ўртоғи Раҳимжон ЖУРАЕВнинг бевақт вафот этганили муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН. Бош муҳаррир: Кўчкор НОРҚОБИЛ. ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Аҳмедов Абдуҳалим Абдураҳмонов, Мустафаяқ Нуритов, Мустафаяқов Раҳимбергатович, Тўрақ Тўра Эргашев, Сядов Шохр Камолбаев, Раҳмонов Абдуҳалим Шодиевич. Навбатчи: Ербек ИСКАНДАРОВ. Саҳифаловчи-дизайнер: Фарход ХУЖАНАЗАРОВ. Индекс: 646882. «ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида тегилиди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаханасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўроқ кўчаси 41-уй. Бюролма Г-16. Тиражи — 21634. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 20.00. Манзили: 100047, Тошкент ш. Сайлиқоқ кўчаси-5. Тел: 233-70-65. Факс: 233-84-50. e-mail: inson_va_qonun@mail.ru